

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

501 Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ–1474-сон қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ ва тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда) билан тасдиқлан-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

ган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низом 5-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«телекоммуникациялар тармоқларидан (маҳаллий, радиотелефон, пей-жинг, маълумотлар узатиш) телекоммуникациялар хизматлари кўрсатмасдан фақат ишлаб чиқариш-технология мақсадларида фойдаланилади».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 6 декабрь,
322-сон